

Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ҳақида



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 24.02.2025 йилдаги 108-сонли қарори билан "Давлат харидларини корпоратив банк карталари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги низом тасдиқланди.

Мазкур Низом давлат буюртмачиларининг миллий валютада нақд пулсиз шаклда корпоратив банк карталари (харид карталари) орқали давлат харидларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Давлат буюртмачиси харид картасидан фойдаланган ҳолда, давлат харидларини амалга ошириш мақсадида харид картаси ҳисобварағини очиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда эмитент банкка мурожаат қилади.

Бунда бюджет буюртмачисининг ҳар бир тегишли шахсий ғазна ҳисобварағи бўйича эмитент банкда алоҳида банк транзит ҳисобварағи очилади.

Давлат буюртмачилари томонидан харид картасига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва дивидендлар ўтказилишига, шунингдек, харид картаси ёрдамида нақд пул берилиши ва чет эл валютаси сотиб олинишига йўл қўйилмайди.

Давлат буюртмачилари томонидан бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион савдоларида иштирок этиб, харидларни амалга ошириш учун харид картасидан фойдаланиш тақиқланади.

Харид картасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳисобдор шахслар рўйхати давлат буюртмачиси раҳбарининг буйруғи (фармойиши) билан белгиланади. Ҳисобдор шахслар мазкур давлат буюртмачиларининг ходимлари бўлиши шарт.

Қонун нормаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар авваломабор давлат харидларининг шаффофлигини таъминлаш ва янги банк хизматларидан тўлақонли фойдаланиш имконини беради.

Денов туманлараро иқтисодий судининг судьяси Т.Ш.Алимардонов